




ТОШКЕНТ О'QUVCHISI



Курилиш

ЯНГИ САВДО РАСТАЛАРИ

Шахримизда жахон андо-залари даражасидаги, аҳолига намунали хизмат кўрсатадиган савдо расталари курилиши жадаллик билан давом этмоқда.

Ана шундай курилишлардан бири Ўзбекистон шохуҷасининг Абай кўчасидан Олмазор кўчасигача давом этадиган савдо расталари.

Тошкент шаҳар лойиҳа-лаштириш ва қайта қуриш институти мутахассислари лойиҳаси асосида бунёд этилаётган ушбу биноларнинг бош пудратчилари «Тошуйжойинвесткурилиш» корпорацияси «12-трест», «159-трест», «Сифат» ҳиссдорлик жамиятларидир.

Уларга 1,34 ҳамда 54-механизация бошқарувиликларининг қўвнуқ қўвнуқлари яқиндан кўмак беришмоқда.

Ер ости омборхоналари билан қўшиб ҳисоблаганда уч қаватдан иборат бўлган ушбу савдо расталарининг ҳар бири ўз кўрinishига эга бўлиб, «С» ҳамда «Д» блокларига бўлинади. Расталарни-

Дилноза ФИЁСОВА

Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлаган

№ 63 (9.255) 1999 йил 2 июнь, чоршанба

Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ

Барча манбалардан олинган сўнги ахборотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 31 май куни Оқсарой қароргоҳида Европа тикланиш ва тарақиёт банки президенти Хорст Келер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Миллий матбуот марказида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Бритиш Американ Тобако (БАТ) компанияси делегацияси матбуот анжумани ўтказди.

Тошкентда Германиянинг «Дрезднер банк» ваколат-хонаси очилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида «Интернет» тармоғи орқали уюштирилган учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Молия вазири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси бошқаруви раиси Рустам Азимов ҳамда Буюк Британия, Германия, Америка Қўшма Штатлари ва Япония олий таълим муассасаларида тахсил олаётган мазкур жамғарма стипендиатлари иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси университетлари талабаларининг «Университетлар дўстлик ҳафталиги» деб номланган биринчи универсиадаси ниҳоясига етди.

Булқобчи туманида атоқли ёзувчи, шу юрт фарзанди Мирзақалон Исмоилийнинг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.

ЖАҲОНДА

Кеча Туркияда курд сепаратчилари раҳбари Абдулла Ожалан устидан суд бошланди.

Белорусдаги «Мир» радиосининг икки йиллик юбилейига бағишланган тантаналар фожеа билан якунланди. Минскдаги спорт саройи қаршида бўлаётган концерт томошабинлари дафъатан бошланган кучли ёмғир ва довулдан қочиб, шу атрофдаги метро бекатидан вақтинчалик бошлана топомочи бўлдилар. Лекин одамларнинг бирварақайига метрога киришга уриниши оқибатида 54 киши оёқ остида қолиб ҳалок бўлди. Кўплаб киши тан жароҳати олди.

Германияда Ўзбекистон Бадий Академияси аъзоси Л. Ибрагимов шахсий кўргазмаси намойиш қилинди.

Дастлабки хабарларга кўра Арманистонда бўлиб ўтган парламент сайловларида мудофаа вазири Вазген Саркисян ва Арманистоннинг соёқ раҳбари Карен Демирчянлар бошқараётган «Бирлик» блоки ғалабага эришди.

Бир гуруҳ россиялик чегарачилар ўтган hafta давомида Тожикистон контрабандистларидан 40 килограммдан ортиқ гивандан модда ва ўн донадан ортиқ отуворларини тортиб олдилар.

Шу йилнинг 14-20 июнь кунлари Қозоғистонда «Эмигрант» операцияси ўтказилди. Ундан мақсад, турли сабабларга кўра Ҳамдустлик Мамлакатларидаги ўз яшаш жойларини тарк этган балоғат ёшига етмаган ўсмирлар сонини аниқлаш ва ҳисобга олишдан иборат.

Саховат

БОЛАЛАР ШОДЛИГИ ОЛАМНИ ТЎЛДИР ДИ

КЕЧА

Шахримизнинг барча туманларида болаларни ҳимоя қилиш халқаро кўни кенг нишонланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда савдо департаменти, Республика Болалар жамғармаси, Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти ушбу боғ ҳудудида ўтказган байрамнинг марказий тантаналари «Болалар — бизнинг келажакимиз» ширин остида ўтди.

Шу кўни шахримиздаги меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатларда тарбияланаётган етим ва ногирон 500 нафар бола учун боғдаги барча

аттракционлар бепул хизмат кўрсатди, савдо департаменти томонидан тушилик ташкил этилди. Қолган барча болаларга ҳам имтиёзлар берилди — улар 50 фоиз нархларда аттракционлардан фойдаланишди. Шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан боғча болалари ва мактабларнинг кўйи синф ўқувчилари учун қўвнуқ станциялар, велосипед пойғаси, қўл тўпи билан югуриш эстафеталари ўтказилиб, унда А. Икромов, С. Раҳимов, Чилонзор туманлари болажонлари, 453, 365-болалар боғчалари тарбияланувчилари яхши катнашди. Барча ғойибларга республика Болалар жамғармасининг совғалари топширилди.

«Ўзбекистон — болалар нигоҳида» мавзусида асфальтга расм чизиб бўйича танлов, тасвирий санъат, ўймакорлик ва бадий каштачилик кўргазмалари ҳам боғга ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирди. Чилонзор туманидаги «Ало-видиди» гуруҳи, шахримиздаги мусика мактаблари ўқувчиларининг қўвнуқ чиқишлари жажжилар байрамга ўзгача фойз киритди. Болажонларнинг қўвнуқ уйин-кулчулари кечгача давом этди.

Дилшод ИСРОИЛОВ. СУРАТДА: боғда ўтказилган Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кўни тантаналаридан лавҳа.

Рашид Галиев олган сурат.



Саноат

ИҚТИСОДИ НОЧОР КОРХОНАЛАР

Тошкент шаҳар «Банкротлик ва санақия» масалалари бўйича комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Сергел, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов туманидаги иқтисодий ночор корхоналар аниқла-ниб, комиссия ишида кўриб чиқилди.

Банкротлик эълон қилинган айрим корхоналарнинг раҳбарлари ва мутасадди ходимларининг ахбороти комиссия иши жараёнида тинг-ланди. Улар «Узмашсаноат» ассоциациясига қарашли учта акционерлик жамиятлари, «Ўзбекмебель» давлат акционерлик жамиятига қарашли



томонидан батафсил баён этилди. Уларга шартли равишда ички имкониятларини қайта кўриб чиқиш мақсадида бир ойлик муҳлат берилди. Корхоналар томонидан берилган маълумотлар республика комиссиясига тақдим этиш учун қарор қабул қилинди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, корхоналарни банкротлик ва санақия масалалари бўйича комиссия раисининг ўринбосари Равшан Пулатов олиб борди.

Гулзода МАМБЕТОВА.

МАКТАБДА СПОРТ МАЖМУАСИ

Ҳамза туманидаги 230-мактаб қошида замонавий анжуман билан жиҳозланган спорт мажмуаси




етарли. Индида улар саломатлигини янада мустаҳкамлашга мушарраф бўлишади.

— Фарзандларимизнинг саломатлиги ҳаммамиз учун азиз, — дейди мактаб директори Доно Ортиқова. — Шу боисдан ҳам уларнинг кўпроқ спорт билан шуғулланишларига шароит яратаямиз. Бундан бунён спорт мажмуасидаги икки хил сув ҳавзаси, тренажёр зали, волейбол, футбол, теннис майдончалари уларнинг ихтиёрида бўлади.

Мактабдаги спорт мажмуасининг очилишида Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, «Тошуйжойинвесткурилиш» корпорациясининг раиси Тохир Зокиров, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари Эркин Эрнazarов, Фарида Абдурахимова ҳамда бунёдкорлик ишларида иштирок этган 159-трестнинг 8-курилиш бошқармаси қурувчилари иштирок этишди.

Гулнора МАЛИКОВА.



КИЧКИНТОЙЛАРГА СОВҒА

Ҳамза тумани халқ таълими бўлими бу йилги Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кўнига жуда катта ҳозирлик кўриди. Кўни кеча 149-боғча фойдаланишга топширилди.

— Бозор иқтисодиёти шароитида юз тутилаётган тақчилликлар биз қурувчиларни ҳам четлаб ўтгани йўқ, — дейди «Сифат» акциядорлик ишлаб чиқариш курилиш жамиятига қарашли «Чидамчилик» курилиш бошқармаси иш юритувчиси Сафарбой Рўзиев. — Аммо ички имкониятлардан келиб чиқиб 480 боғча мўлжалланган боғчани қуриб битказдик. Болаларнинг қўвнуқ овозларини эшитиб, барча қийинчиликлар ортда қолди.

— Мавлоно Риёзий мавзе-си, Мустақиллик маҳалласи болаларининг қўвнуқчи бир олам. Хар томонлама қўлай, шинам ва кўркем хоналар,

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

САЙЁХЛИК РИВОЖЛАНАДИ

Туризм — сайёхлик мамлакатлараро дўстлик ва маданий алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлибгина қолмай, энг истиқболли ва сердаромад соҳалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда халқаро ва ички туризмни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Шу йилнинг 15 апрелида республика Президенти «2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида» қабул қилган Фармон фикримизнинг ёрқин далилидир.

Мазкур Фармоннинг изчил бажара борилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Тошкент шаҳри» 2005 йилгача бўлган даврда туризмни ривожлантириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган махсус дастур ҳамда ушбу дастурни амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди.

Дастурда, жумладан, пойтахтимизда «Буюк Ипак йўли» йиллик Халқаро сайёхлик ярмаркасини ўтказиш, йирик халқаро сайёхлик ярмаркаларида қатнашиш, ривожланган давлатларнинг сайёхлик ташкилотлари билан тажрибалар алмашиш режалаштирилган. Ички сайёхлик бўйича эса, ёшлар учун Тошкент — Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари бўйлаб саёхат йўналишларини ташкил этиш, турли маънавий-маърифий ва тарихий саёхатларни мунтазам уюштириб бориш, сайёхлик объектларига миллий маросимлар ва аъёналарнинг кўригини ташкил қилиш ва бошқалар кўзда тутилган.

Гулзода МАМБЕТОВА.

Анжуманлар

ҲАМЖИҲАТЛИК ШИОРИ ОСТИДА

Халқ бирлиги ҳаракати Тошкент шаҳар кенгашининг ҳисобот-салоҳо конференцияси бўлиб ўтди. 1995 йили дунёга келган ушбу Ҳаракат Тошкент шаҳар ташкилотини олиб борган катта ташкилий-тарғибот ишлари ҳақида кенгаш раиси Тошкент давлат техника университети ректори, академик Т. Мирқомиллов ҳисобот мавзусида билан чиқди.

Маъруза ва унинг юзасидан музокараларда сўзга чиққанларнинг сўзларида ҳисобот даврида кўп миллатли пойтахт аҳли ўртасида олиб бориладиган кенг қамровли ишлар, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий барқарорлиқни таъминлашда шаҳар кенгаши Миллий маданият марказлари билан ҳамкорликда амалга оширган қатор тадбирлар хусусида, Ҳаракат олдига турган муҳим вазифалар ҳақида фикр юритилди.

Конференция иштирокчилари шу йил 16 февраль воқеаларига муносабат билдириб, унинг ижрочилари ва шу ижрочилар ортда турган қора ниятли қулчар кирдиқорларини кескин қораладилар. Шу муносабат билан ёшлар тарбияси-га, миллатлараро тотувлик ва мақсадлар муштарақлигини мустаҳкамлаш масалаларига, ёш авлодни турли экстремистик оқимлар ва диний фундаментизм таъсиридан асраб қолишга доир фикр-мулоҳазалар, тавсиялар янгради.

Конференцияда Халқ бирлиги ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгашининг янги таркиби ҳамда унинг раёсати сайланди. Академик Т. Мирқомиллов Ҳаракат пойтахт кенгашининг раиси этиб сайланди.

Конференция ишида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р. Ақромов иштирок этди.

(Ўз мухбиримиз).

Муносабат

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗНИ ҚАДРЛАЙЛИК

Ён қўшнигимиз Тожикистон халқи ҳаётида бир қадар осойишталик қарор топаётганидан, бирлашган тожик муҳолифати билан расмий хуридат ўртасида мурося юзага келганидан ҳаммамиз қанчалар хурсанд эдик. Ниҳоят, қон-қардош биродарларимиз ҳам хотиржам яратувчилик меҳнати билан банд бўлишларига имконият яратилди. Лекин, минг афсуски, тожик муҳолифати раҳбарлари, энг аввало, унинг етакчиси Саид Абдулло Нурий икки ойча хорижда бўлиб, қайтиши билан яна «тўнини тескари» кийиб олди.

У Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновга, оз эмас-кўп эмас, нақ ультиватум билан мурожаат қилди. Унга кўра, муҳолифат тарафдорларига Тожикистон ҳукуматида 30 фоиз ўрин берилиши кўзда тутилган битим зудлик билан бажарилиши талаб қилинади. Боз устига, у хунрезликда — қонли жиноятларда ном чиқарган қуроли тўдалар бошлиги Мирзо Зиёевни мудофаа вазири этиб тайинлашни, қуйидан юқоригача ҳокимиятнинг барча органларида муҳолифатчиларга 30 фоиз ўрин берилишини даъво қилмоқда.

Бу ва бошқа бир-бирдан дабдабали талаблар ортда нималар ётгани сир эмас. Саид Абдулло Нурий хорижда вақтини «беқор» ўтказмаган. Буларнинг ҳаммаси Саид Абдулло Нурий имзолаган ультиватум замирида гоят халқ таълим ва маданият, яъни хар қандай йўл билан бўлса ҳам ҳокимиятга ўз одамларини тикиштириш ва охири-оқибатда уни бутунлай қўлга кири-тиш мақсади ётганлигидан ошқора дарак беради.

Кўшни республикадаги бундай нотинч ҳолат бизни ҳам бефарқ қолдириши мумкин эмас. Зеро, хар қандай

Саид ВАЛИЙ.

Назорат

ИЖРО ИНТИЗОМИ — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Маълумки, шу йилнинг январь ойида республика бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда хўжалик вазирлигининг ижро интизоми ва назорат фаолияти пастлиги, бу борада жиддий камчиликлар мавжуд эканлиги сабаб, Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизоми мустақкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Хусусан, мазкур қарорда вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари марказий аппаратларда, ҳудудий бошқарув органларида ва маҳаллий ҳокимият органларида ижро интизоми мустақкамлаш учун уларнинг шахсан жавобгар эканлиги кўрсатилди. Ҳўш, бу борада шахримиз туманларида қандай ишлар олиб борилмоқда? Камчиликлар аниқлашиб зарур чора-тадбирлар қўйилганми? Биз Мирзо Улуғбек туманида бўлиб, туман назорат инспекцияси раҳбари ўринбосари Миржало Мирсоловдан шулар тўғрисида сўрадик.

— **Миржало ака, ушбу қарор юзасидан олиб борилаётган ишлар кўлами нималардан иборат бўлмоқда?**

— Уйлайманки, мазкур қарор ўз вақтида ва айнаи чоғда Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ва топшириқларининг сўзсиз, ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмида бажарилишини таъминлайди.

Қарор юзасидан туманида қилиниши зарур бўлган асосий ишлар режалаштирилди. Бундан ташқари шу пайтгача бир неча тадбирлар ва тегишли раҳбарлар ўтказилди. Туманидаги савдо корхоналари раҳбарлари билан ўтказилган семинар йиғилиши шулар жумласидандир. Семинарда назоратдаги Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар устида олиб борилаётган ишлар бўйича корхона раҳбарларининг масъулиятини ошириш ва бошқа масалалар алоҳида айтиб ўтилди.

— **Мавжуд камчиликлар ва очилмаган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан қандай чора-тадбирлар қўйилганми?**

— Ўтказилаётган текширув ва тадбирларда баъзи бир корхона раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида, меъёрий ҳужжатлар устида ишлашда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, хўжаликлараро ҳисоб-китоб ва шартнома мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлашда йўл қўйилмаган камчиликлар очиб берилмоқда ва бу муаммоларни ҳал қилиш учун таъсирчан чора-тадбирлар қўрилмоқда. Ҳар бир тақчил топсаруфиди корхона ва ташкилотларга ўз вақтида Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини етказиш ва олиб борилаётган ишларнинг бажарилишини назоратда олиши зарурлиги алоҳида таъкидланмоқда.

— **Яқинда туман назорат инспекцияси томонидан ўзини-ўзи бошқариш органларида кўп болали ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга оид Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши ўрганилиб чиқилган экан. Шу тегишли натижаларни қандай билан ҳам ўртаклашсангиз?**

— Тумандаги ўзини ўзи бошқариш органларида ўтказилган текширувларда қатор маҳалларда 1998-99 йиллар давомида маҳалла оқсоқоли ўз ишларига совуққонлик ва лоқайдлик билан ёндошганини ҳақда ҳужжатлар тайёрлашда эътиборсизликка йўл қўйилиши оқибатида ноқонуний равишда моддий ёрдам берилганлиги маълум бўлди.

Бунда туман молия бўлими томонидан ажратилаётган маблағлардан фойдаланиши назоратга олиш ва услубий ёрдам бериб бориш бўйича амалга оширилаётган ишлар талаб даражасида эмаслиги аниқланди. Ажратилаётган нафақа ва моддий ёрдам пулларининг бириктирилган ҳалқ банкидан олиниши ўрганилганда, баъзи оилалар берилмаган нафақа ёки моддий ёрдам пулига муҳтож эмасликлари маълум бўлди. Яна шу борада 1999 йилнинг охирига икки ойи давомида жами 260,222 минг сўм маблағ фуқаролар томонидан ўз вақтида олинмаганлиги аниқланди.

Бу масалалар юзасидан масъул ходимларга нисбатан қаттиқ чоралар қўрилиб, текширув ҳужжатларини маъмурий жазо чоралари қўриш учун туман прокуратурасига юборилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг чет эл сармояларидан самарали фойдаланишни рағбатлантиришга оид Фармон ва қарорларининг бажарилиши борасида туман ҳудудида жойлашган «Газкомпрессор», «Эст Баттерфлей», «Тезинтом», «Узфармасаноат» кўшама корхоналари фаолияти ўрганилиб, бир қанча камчиликлар аниқланди. Жумладан «Эст Баттерфлей» кўшама корхонасининг иш фаолияти ўрганилганда, солиқ назорат органлари томонидан тафтиш ишлари олиб борилиб, асоссиз ҳуло-са қилинганлиги аниқланди. Бу каби салбий ёндош ишлар анчагина мутахассислар ва ишчиларнинг ишдан бўшаб кетишига сабаб бўлган. Масалан, 1996 йил корхонада 110 киши меҳнат қилган бўлса, ҳозирда бор-йўғи 12 киши қолган.

Кўшама корхонани ўрганиш жараёнида қайд этилган хато ва камчиликларнинг бартафари этилишини таъминлаш мақсадида Мирзо Улуғбек тумани назорат инспекцияси мажлиси ўтказди ва йиғилишида ўрганиб чиқилган ҳужжатлар умумлаштирилди.

Хуллас, Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизоми мустақкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юзасидан олиб борилаётган ишларимиз самарали давом этмоқда.

Сухбатдош Очил Ҳазратов.

«Тошкент оқшомига» жавоб берадилар

ЖАДВАЛ АСОСИДА ИШЛАЙДИ

Газетамизнинг шу йил 1 февраль сонидида «Ханнафас муштарийлар» мақоласида муштарий Наима Ашрапованинг таҳририятга кўнғироқ қилиб, пойтахтимиздаги 102-автомобил йўналишидаги тартибсизликлардан шикоят қилганлиги баён қилинган эди. Мақола юзасидан «Тошхара йўловчи» давлат уюшмаси бошқаруви раисининг ўринбосари Р. Усмонов имзоси билан қуйидаги жавоб хати олинди.

«...Мақола «Тошхара йўловчи» давлат уюшмасида кўриб чиқилди. Мақолада Бектемир ту-

мани фуқароси Наима Ашрапова «Кўйлик» Бинокор оролигида қатновчи 102-йўналиш ҳайдовчиларининг ўзбошимчиликлари ҳақида шикоят қилганини қайд этилган. Ушбу мақола йўналиш ҳайдовчиларининг умумий йиғилишида атрофича муҳокама қилинди. Ҳайдовчиларга белги-ланган жадвал асосида ишлаш уқтирилди.

Жадвалда белги-ланган катновларнинг бажарили-шини назорат этиш 5-ав-торхона раҳбарининг та-сарруф бўйича ўринбоса-ри З. Файзобоева (тел: 96-82-02) топширилди».

Анжуманлар Саломатлик кунлари олдида

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида яқинлашиб келаётган Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунлари ҳамда Экология ва саломатлик кунларининг иккинчи босқичи бошланганига бағишланган «Экосан» халқаро жамғармасининг оммавий ахборот воситалари ва хорижий ахборот агентликлари билан учрашу-ви бўлиб ўтди. Унда «Экосан» халқаро жамғармаси раҳбарияти, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофа-за қилиш давлат кўмитаси, Бош гидрометеорология маркази, «Эко-сан» клуби аъзолари, етакчи эколог олимлар иштирок этишди.

Дастлаб, «Экосан» халқаро жамғармасининг президенти Юсуф Шодиметов республика-миздаги экологик ша-роит ҳақида гапираркан, ҳозирда энг долзарб во-қеа — Тожикистон алю-миний заводининг Сур-хондарё вилояти Сарис-оёғи ва Узун туманла-рига келтирилган эко-логик зарарлари хусуси-да батафсил тўхтади. Жумладан, бу ҳудудла-рда ҳаво таркибидagi фторли водород меъ-ёрдан 3-6 марта ошгани, одамлар саломатлигига пўтур етатгани, қишлоқ хўжалик ва чорвачилик-да салбий ҳолатларни кузатиши тобора кўпайиб бораётгани, бу муаммо-га бугунги кунда дунё-даги экология борасида фаолият юритувчи таш-килотлар ҳам диққат-эътибор қаратаётгани ху-сусида гапирди.

Учрашувда, шунинг-дек Ўзбекистон Респу-бликаси Соғлиқни сақ-лаш вазирининг ўрин-босари Бахтиёр Ниёзма-тов республикадаги ўтиши мўлжалланаётган Экология ва саломатлик кунлари ҳақида, Орол-бўйи ҳудуди аҳолисига кўрсатилаётган тиббий, ижтимоий ёрдам, сало-матлик кунларида амалга ошириладиган ишлар ху-сусида тўхтади.

Учрашув сўнгидa Юсуф Шодиметов ҳам-да Бахтиёр Ниёзма-тов журналистларни қизиқ-тирган саволларга жавоб беришди.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

Одамларнинг хўжалик фаолиятидаги салбий таъсирлардан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш замонанинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди. Шаҳар катта бўлгандан кейин унда атмосфера ҳавосининг юқори даражада ифлосланиши, шовқин, вибрация, радиация, очқич сув ҳавзаларининг кўп бўлиши ўз-ўзидан маълум. Бунга айрим ўзбошимча курилушлар, иншоотлар, шаҳар транспорти ҳам ҳисса қўшаётир. Буларнинг барчаси асаб тизимининг тўралишига, юрак ҳасталикларни кўпайиши-га, қон айланishiнинг бу-зилишига сабаб бўлади.

Бугунги кунда шахримиз ободонлаштирилмоқда, шаҳарсозлик, йўл муаммолари ҳал этилмоқда. Лекин бу иш-ларга экологик нуктаи назар-да ҳам қаралмоқдаму? Мута-хассисларнинг маълумотла-рига кўра шаҳарнинг тарихий

ҳудуди қадимдан ўтроқ ҳол-да яшаб келаётган кўпгина аҳоли турар жойларидан ибор-рат. Геоэкологик нуктаи на-зардан қараганда қадимги одамларнинг шу типроғимиз-да кўроғошин-руҳ ёки бошқа рудаларни қайта ишлаганда-ги фаолияти атроф-муҳитга таъсир этганини эътибордан кочи-ра олмаيمиз.

Сўнгги ўн йилликда азал-дан табиий шароити яхши бўлган юртимизда ҳам одам-ларнинг атроф-муҳитга сал-бий таъсири кескин ўсди. Дунёнинг бошқа шаҳарлари-да бўлгани каби Тошкент ҳам аҳолининг ўсиб боришидан четда қолмади. Хусусан, 1897 йили Тошкентда 156 минг ки-ши, 1910 йили 200 мингга яқин, 1926 йили 352 минг, 1939 йили 586 минг, 1979 йили 1789 минг, 1981 йил январидa 1868 минг киши яшаган.

Сўнгги пайтларда эса пойтахт аҳолиси 2 миллион-дан ошиб кетди. Аҳолининг

бундай катта тезликда ўси-ши, турли ишлаб чиқариш иншоотларининг кўпайиши шаҳарнинг янги ўлаштирил-ган майдонларига эски ахлат-хоналар, қадимги мазорлар-ни кўйиб ташлаб олини-ши билан боғлиқ. Натига-да сувнинг таркиби, кимёвий хусусияти ўзгаради. Шаҳар-нинг нафақат инфраструку-

раси, балки инсоннинг табиат билан ўзаро алоқасига пўтур етади.

Бундай таъсирнинг салбий оқибатлари пойтахтимизда 90-йилларнинг бошларида рўй берган эди. Ушанда мет-ронинг Ўзбекистон йўнали-шидан икки йилга фойдала-ниш тақиблаб қўйилди. Фа-қат геологик мутахассислар-нинг ёрдами билангина бу иншоот иш бошлади. Энди метронинг бир меъёрдa иш-лаши мунтазам харажатлар-ни талаб этарди. Сув сатхи-ни пасайтириш учун йигир-мадан ортқ скважина суви тортиб олинди, уларнинг яр-

масида электр қувватини са-рф этганча ҳозир ҳам ишлан-моқда.

Агар метро курилишидан аввал геологик мутахассис-лар томонидан тегишли тад-қиқотлар ўтказилганида эди, бу ерда доимий мавжуд бў-либ турадиган экологик ва иқтисодий муаммолар пайдо бўлма-сди. Дунёнинг кўпгина

давлатларида турар жойлар, айниқса саноат корхоналари-ни бунёд этишда геолого-логик тадқиқотлар тамал тоши-ни кўчири иш саналади.

Тадқиқотларимиз шахри-мизнинг айрим ҳудудлари сеистмик фаол, ҳозирда ер сизидаги тоғ жинслари хара-катда эканини кўрсатди. Шу-нингдек, 6 метр чуқурликда ҳавфли бўлган радон модда-си мавжудлиги, тоғ жинсла-ри таркибидa унинг миқдори белгиланган миқдордан бир неча марта ортқилғи ҳам маълум бўлди. Бундай ми-солларни кўплаб келтириш мумкин. Улар ҳар хил турда-

Мулоҳаза

Бунёдкорликнинг тамал тоши



№ 4 (88) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг саҳифаси



Юртимиз бўйлаб саховатли ёз фаслининг илик шаббодлари эса бошлади. Табиат эса янада гулзабилди, дастурхонимизга ширин-шакар меваларини тортиқ этмоқда. Айниқса, бу фаслда тоғ ёнбағирларида сайр этиш инсонга ўзгача завқ бағишлайди. Энди ҳамшаҳарларимиз ҳам олиш оилари-ни мароқли ўтказиш учун анҳор бўйларига, тоғ ён бағир-ларига шошилишади. Ҳа, бу фаслнинг шундай ўзгача бир таровати бор.

◆ Паша бир сонияда канотини 330 марта қоқ-ди, капалак эса атиги икки марта.
◆ Чивилларда тишлар

Таълим Қизиқарли ўтди

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳозирги кунда мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш ин-соният олдида турган энг долзарб масалалардан би-ридир. Шунингдек, об-ҳавонинг кескин ўзгариши қат-тор мамлакатларда қишлоқ хўжалик эканлигидан кўзда тутилган ҳосилини олашга ҳов бўлиб, иқтисо-дий ноқорликка олиб келмоқда.

Ижтимоий, сиёсий, мил-лий ҳавфлар қатори эколог-ия, экология ва инсон сало-матлиги, қишлоқ хўжалик эко-логияси сув ва ундан фойда-ланиш муаммоларига бағиш-ланган иқтисодий бошқару-нинг 100 га яқин маърузала-ри, кўргазмалари, суратли кўргазмалари ўсимлик ва ҳай-вон дунёсига бағишланган жонли бурчаклари: турли хил қушлар, балиқлар, гуллар кўргазмаси намойиш қилин-ди. Айниқса, Тошкент шаҳ-ри, Сурхондарё, Бухоро то-монидан тайёрланган кўргаз-малар ва маърузалар анжу-ман катнашчилари ва ҳай-ват аъзоларида катта таассурот қолдирди.

Бўлиб ўтган бу анжуман мамлакатимиз ёшларини та-биатни севишига ундайди, айниқса атроф-муҳитни муҳо-фаза қилишда муҳим тарбия воситаси бўлиб қолишига ишонимиз. Шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси жорий йил давомида мактаб-гача тарбия муассасалари, мактаблар «Биозоксан» маж-муаси билан ҳамкорликда ке-лажагимиз ҳисобланган ёш-ларни ҳар томонлама эколо-гик руҳда тарбиялашда ўз ишини мунтазам равишда олиб бораверадилар.

Эрмулин ЧўПОНОВ, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси илмий-техникавий тараққиёт ва экологик тарғибот бўлими бошлиғи.

◆ Японияда мактаб ўқу-вчилари икки қўллаб ёзишга ўргатилади.
◆ Айрим қирқоққилларда 270 та оёқ бор экан.

Байт ТУРДИЕВ.

Шаҳар ҳудудидан оқиб ўтаётган каналларнинг экологик ҳолатини яхшилаш, сув ҳавзалари муҳофаза зоналарида жойлашган корхоналарнинг очқич сув ҳавзаларига кўрсатаётган таъсирини чуқурроқ ўрганиш мақса-дида ўтган йили шаҳарнинг 11 кана-ли бўйлаб рейд ўтказилган эди. Рейдда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжа-лиги вазирлиги вакиллари ҳам ишти-роқ этдилар. Ҳозирги кунда шаҳар ҳокимлигига «Салор», «Корасув», «Бўрижар», «Нагман», «Дамашик», «Кайковус», «Толариқ» каналларининг сув муҳофаза зонаси тўғрисидаги муаммоларни ҳал қилиш лойиҳаси тас-диқлаш учун берилган. Тошкент ша-ҳар табиатни муҳофаза қилиш кў-митаси томонидан берилган кўрсат-малар асосида Каскад ТошГЭС, Ок-тепа каналининг сув муҳофазаси зо-насининг лойиҳасини ишлаб чиқилди ва экологик экспертиза хулосасига асосан яроқли деб топилди.

Кўмитанинг махсус тажрибахона ва Табиий муҳит ифлосланишини кузатиш мар-казининг берган маълумотларига кўра, ўт-ган йилда Корасув, Қорақамши, Салор ка-налларида оғир металллар ионлари ва не-фть маҳсулотлари чикиндиларининг ка-майганлиги аниқланди. Сергели жануби-даги канализация тармоғи курилиши чў-зилиб бормоқда ва шу сабабли бу ҳудуд-

Тегишувлар Қирғоқлардаги чиқиндилар

да жойлашган корхоналар ҳам ер ости ва усти сувларининг ифлосланишига ўз ҳисса-ларини қўшмоқдалар. Салордаги аэрация станцияси канализацияга тушувчи оқава су-вларининг оғир металлдан тозаланмасдан чи-қарилганлиги сув ҳавзаларининг биологик ҳолатига ҳам ўзининг ёмон таъсирини кўр-сатмоқда. Бу станцияда кейин яхши тоза бў-лмаган сувлар Салор каналига тушгандан сў-нг уни иккиламчи ифлосланишига олиб кел-моқда.

Анҳорлар сувининг бактериологик ва ки-мёвий ифлосланишига «Толариқ», «Корасув»-«Баратхожи», «Кайковус», «Ракат» каби қатор очқич сув ҳавзаларининг қирғоқларида жойлашган шахсий ҳожатхоналар, ҳаммом-лар, молхона ва товухоналар сабабдир, уларнинг оқава сувлари тўғридан-тўғри ка-налларга тушади. Ушбу анҳор ва каналлар-дан таҳлил қилиш учун олинган сув намуна-ларининг 28 фазиси бактериологик, 48 фаз-иси кимёвий кўрсаткичлар бўйича санитария талабларига жавоб бермайди. Бундан таш-қари уларнинг 450 тасида вабосимон ва 27 тасида вабо вибрионлари аниқланди. Вабо касаллигини кўзга тутиш микролар «Анҳор», «Жарариқ», «Кичкирик», «Бектемир» канал-ларида, «Кўкча» ариғида, Салор ҳамда «Бўз-сув» аэрация станцияларининг чиқинди су-вларида топилди.

ободонлаштириш бошқармалари вакиллари-дан тузилган махсус гуруҳлар бу борада мун-тазам рейд, текширувлар ўтказиб, қирғоқ бўйларига ноқонуний, санитария ҳоидала-рига хилоф равишда фуқаролар томонидан қурилган молхона, товухона, ҳожатхона ва ҳаммомларнинг 795 таси буздириб ташлан-ди. Лекин, шунга қарамайдан, ҳозирги кун-да ҳам сувни ифлослантираётган 250 та ма-на шундай майда иншоотлар борлиги охи-рг ўтказилган текширувларда аниқланди. Шу жумладан, Собир Раҳимов туманидаги канал-лар бўйида 11 та ҳожатхона, Ҳамза туманида 14 та, Мировоб туманида 8 та молхона ва товухоналар, Мирзо Улуғбек туманида 4 та, Ҳамза туманида 8 та ҳожатхона ва ҳаммом-лар, Мирзо Улуғбек туманидаги каналлар бўйида жойлашган 137 та, Юнусобод тум-анидаги 8 та, Шайхонтоҳур туманидаги 7 та хусусий хонадонлар оқава сувларини анҳор-ларга ташлайди.

Шу ўринда аччиқ ҳақиқат бўлса ҳам ай-тиш керакки, маҳалла фаоллари томонидан ўз ҳудудларидаги фуқаролар ўртасида тушу-нириш ишлари олиб борилмапти.

Кирғоқ бўйларидagi қурилмаларни бузди-риш у ёқда туриб, уларни қурилатганини кўра-била туриб бундай қурилатганини ва чиқинди сувларини анҳорларга оқизишни тўх-татиб қўйиш чораларини ҳам кўрмаптилар.

Шаҳар, вилоят суви хўжалиги, «Марказий» иктисослаштирилган бошқарма тасарруфидa

Тегишувлар

бўлган каналлар, ирригация ариқларининг қониксарсиз санитария ҳолати сақланиб кел-моқда, уларнинг қирғоқларига аҳоли томо-нидан қурилган сувни ифлослантирувчи тур-ли хилдаги иншоотларни ва чиқинди су-вларни бартафаз этиш чораси қўрилмапти. Масалан, Мирзо Улуғбек туманидан оқиб ўтадиган шаҳар сув хўжалиги бошқармаси тасарруфидаги «Тўрт» каналига туташ Буюк Ипак йўли кўчаси, 1-тор кўча 408, 410, 412, 414-уйларда яшовчи аҳоли томонидан қир-ғоққа ноқонуний равишда ўлаштириб олин-ган товухона, дўшхона ва гаражлар қурил-ган, 416-уй қаршисига қўйилган контейнер-лар эса чиқиндилар билан тўлиб, каналга тушиб ётибди.

Шу тумандаги ТТЗ-1 мавзесидан ўтади-ган «Юзариқ» каналининг қирғоқлари «Ол-дузча» ширкати томонидан гараж хўжалиги-га айлантирилган, гаражлар хаттоки сув ўза-нининг устига ҳам ўрнатилган. Шаҳар сув хўжалиги бошқармасининг мутаассиди раҳ-барлари томонидан уларга тегишли бўлган очқич сув ҳавзалари устидан умумий назорат ўтказмайди. Натигада Мирзо Улуғбек ту-манидан оқиб ўтадиган «Яланғоч» канали қирғоқларида жойлашган Пилла-2, Гагарин кўчаларидаги 30 дан ортқ хонадонлар ҳо-жатхоналарини бевосита сувнинг устига ўр-натиб қўйилган, ҳаммом, ошхоналарнинг чиқинди сувларини каналга оқизмоқдалар. Шайхонтоҳур туманидаги «Олмасор» маҳал-ласидан оқиб ўтадиган «Танариқ» каналга Хризантема кўчасидаги 8, 9, 15, 25, 27 ва 16-хонадонлардан чиқинди сувлар тўғридан-тўғри каналга туширилади.

Маҳид РАИМОВ.

Саҳифа материалларини Абдумалик Абдурахмонов тайёрлади.

Музей

«АВЕСТО»ДА АМУДАРЁ МАДҶИ

Заминимизнинг зар кокилларида бири — Амударёдир. Амударё ҳақида «Авесто»да махсус бўлиб, унинг номи «Сувлар қасидаси»дир.

Мазкур қасидада сув ва ҳосилдорлик маъбудаси — Ардвӣ таърифланиб «нам», «буғ» маъноларини англатади. «Ардвӣ»га «Анаҳита» исми қўшиб айтади. «Анаҳита»нинг маъноси — «ғуборсиз», «покиза» дегандир. Шундай қилиб, Амударёга бағишланган қасида «Ардвисура — Анаҳита» деб номланади. Демак, мазкур қасиданинг номи «Покиза нам сураси» маъносини англатади. «Авесто»даги ҳар бир номнинг ўзига яраша чуқур маъноси бор. Бундан Амударё ҳам муҳтасаб эмас. Агар эътибор берган бўлсангиз номларнинг қўйилишида жуда катта маъно бўлиб, айни вақтда мақсади ҳам аниқ. «Сувлар қасидаси»нинг ўзи ҳам гап нимадалигини англатиб турибди. «Нам» ва «буғ»лар ҳам сувга тааллуқли бўлиб, бу ҳаммага маълум. Номнинг мазмундорлигини оширишда ҳам аждодларимиз ақлининг қудратидан унумли фойдаланган. «Ғуборсиз», «покиза» каби гўзал иборалар билан номи беэзаган, унга жило бериб, мазмунини оширган. Мана, «Авесто»га қулоқ тутинг:

Спитама — Зардуштга деди: Аҳура — Мазада: (Спитама) — Зардушт-Зардуштийлик динининг асосчиси, пайгамбари. Аҳура — Мазада — Зардуштийликнинг олий илоҳи). — Сен мен учун Ардвисура — Анаҳитани Шарафлагди, Спитама — Зардушт. Кенг ёйилиб оқувчи ул оби ҳаётни, Ибис қамши хасми ҳама мен — Аҳурашнг. Эштакдор ва йўқовчи шафёв хилқатли, У муносибиким, эҳтиром қилсин ҳамшиша. Бу жисм даҳри, Вужуд олами. Ул арзудамим, эҳтиром қилсин бардавом.

Бу жисм олами, Вужуд даҳри Арта (овом, низо, ҳақиқат руҳи) қутулган хиллар қўзғатувчини, Арта қутулган пода ҳимоятларин, Арта қутулган макон, уй-жой ҳомиёсин. Арта қутулган аш-шайх-наҳондун, Арта қутулган аш-шайх-посбонин. У надарлик қутқасини яратувчидир, У яратган бу оламда бор аёл жинсин. Туриқ учун волидалик бағр-оғушини. Тулақ дарибни осон айлар аёл зотининг, Ҳам муайян вақтда лим-лим.

Она кўксини, Ана, азизлар, Амударё «Авесто»да шарафланаяпти, улуғланаяпти, йўқ аниқроғи илоҳийлаштирилаяпти. Бу бежиз эмас, муҳтарам ўқувчилар, чунки сув — ҳаёт, у тирликнинг мезони. Шунинг учун Амударё улуғланди, уни илоҳийлаштирилаяпти. «Кенг ёйилиб оқувчи ул оби ҳаётни» қанчалик эҳтиром қилинса шунча оз, эътиқоду эътиборнинг энг аввали унга бўлсин. Амударёни эъзозлаб, «ҳақиқат руҳи» деб улуғланади. У ҳамма ижобий нарсани қутловчи, барча эзгуликни истовчи хилқат даражасига кўтарилади.

Мана, яна Амударё мадҳ этилаёпти. Қутлуғ қадам ҳамада беҳудуд. Узунлик тенг қудрати замин оралаб Оққан барча дарёларга, барча суварга, Хуқарё (ҳинди қуш) чўққисидан улқиб, баҳри Воруқатга (Орол бўлса керак) етувчи ўқтам.

Воруқатнинг қирғоқлари уйғонар ундан Кўрақода кўнғай ваҳм ичра тўққиллар, Қачон уларнинг сарига, Қачон улар жонига елиб келай Ардвисура — Анаҳита. Унинг ким минг кўрфази бор. Унинг ким минг шоҳоби бор. Ҳар бир кўрфаз ўтрусидан Ҳар бир шоҳоб ўтрусидан Қирқ кун сурай арзумоғин Бебок чавадоз.

Ана, она — Амударёга берилган баҳо. Жимжимадор жумлаларни ўқир экансан, кўз ўнгиндан азим дарёнинг ўрқач-ўрқач тўққиллари ўтиб, шовқинини эшитгандай бўласан. Йўқ, йўқ, шовқин эмас, жимжир-жимжир мавжларини оқаётган офатли жонларани. Унинг сирли шивир-шивири бутун борлигини эгалайди, хаёл оғушида маст бўлиб, сен ўзининг ана шу хилқатга топширасан.

Ҳайоқчи сувларнинг югуриши, ҳалқа-ҳалқадан из қолдириб, яна қандайдир хушхольликлар пайдо қилади. Майин шабада кўксинга урилиб, сени наҳотлантирапти бутун жисминг ҳузурлиб маза қиляпсан. Азим дарёимизнинг ўрқач-ўрқач тўққиллари гўзал шовуллаб-гўвиллаб оқишлари чиройли, тирки жонотлару, ўт-ўланларга жон бағишляган жонбозлиги улуг, эй қўйинг қанчалик таърифламайлик, қалам ожизлик қилавереди. Бир сўз билан айтганда Амударё — бу ҳаёт! Шундай ҳаётки — у завқли, бахтли, нузли, умуман барча

инсонийликларни ўзига жамлаган хилқатдир. Мана, «Авесто»да Амударё «сўзляпти», қулоқ тутинг:

— Сувларимизнинг бир ирмоғи-бир шоҳоби. Етар етти иқлимга ҳам. Сувларимизнинг бир ирмоғи-бир шоҳоби. Қишин-ёшин тилмай оқар. У чинакам шарофатли айлар мени. Ҳам оталар нутқасини, аёл қорини, Ва оналар кўксини, — Мен — Аҳура — Мазада унинг яратувчиси,

Парвардигори, Хонадонлар ва қишлоқлар, Вилоятлар, мамлакатлар яшасин учун. Қўриқлаш учун. Ҳифз-ҳимоят қилмоқ учун Бунёд айладим.

Мазкур иқтибосни шарҳлаш шартмикан, йўқ, шундай ҳам бари равшан, ҳаммаси аниқ, қўйил қолари мадҳия. Айни вақтда Амударё Парвардигорнинг неъматли эканлигига ишора қилинаёпти. Бу жойда ҳам ҳеч қанақа ортиқчилик йўқ муволафаддан ҳоли. Ҳақиқатан ҳам Амударё Оллоҳнинг инояти, бандаларига берилган неъмат.

«Хонадонлар ва қишлоқлар, Вилоятлар, мамлакатлар яшасин учун»... бунёд этилган. Дарҳақиқат, «Авесто»нинг бошидан охиригача битта гоё, битта йўналиш кўзга яққол ташланади, у ҳам бўлса «инсон», — «одам» — манфаатидир. Йилхўй китобнинг бош мавзуси одамларга яхшилик, эзгулик қилишдан иборатдир. Гап нима ҳақда кетмасин, сўз нима тўғрисида бўлмасин, бориб-бориб яна шу инсон манфаатига бориб такалади. Ҳа, инсон, одам «Авесто»да маҳорат билан улғулган.

«Авесто»ни ўқир экансан, «одам аро одам азиз», «одам олам беэзаги» каби халқ дурдоналари, беихтиёр кўз ўнгингиздан иборатдир. Илоҳий китобнинг халқчилиги учун ҳам унинг ўрни ўзгача, бебаҳо. Инсоният ақл дурдонаси бўлиши «Авесто» мана 30 асри беназир хизмат қиляпти. Бундан кейин ҳам унинг дурдоналари маънавий хазина бўлиб қолавереди. Мана, яна Сизларни «Авесто» ноладоридан тинглашга таклиф этаман, мазза қилиб роҳатлангиз:

Шарафламоқ истайман олтини, Хуқарёй чўққилларни, — Ва минг алпинг қоматидек юксакликлардан Ардвисура — Анаҳита.

Рўйи замин узра оқин суварга тенг, Баландик билан Кучга тўлиб иштилар олға.

Бу ерда Амударёнинг манбалари шарафланаяпти. Ҳа, «олтин чўққилар» азим дарёнинг асоси, онасидир. У бўлмаса, дарё ҳам йўқ, сув ҳам йўқ, ҳаёт ҳам йўқдир. Бунга аждодларимиз жуда теран тушунишган, яхши англаган. Бу ҳам «Авесто» ижодкорларининг билимдонлигидан нишонча, уларнинг зийраклигига далолат. Топқирликка лол қоласиз. Тафсилотлар бир-бири билан шундай боғланганки, гўё бир шоҳдага тизилган маржон дейсиз. Уни кўриб қувонасиз, баҳри-длингизни очилиб яйрайсиз. Сатрдан сатрга мазмун тўлиб боради, байтдан байтга маъно кенгайди.


Азиз ўқувчилар, Сизларни яна сув мавзусига эътиборларингизни қаратмоқчиман. Аммо бу жойда, сувнинг пайдо бўлишини сир-синоатидан ошна бўламиз.

Мана қулоқ тутинг: Турпта айғур яратди Аҳура Мазада: Шамол, ёмғир, булут ҳамда дўл. Ҳамиша ва ҳар қачон спитом — зардушт Турт нафар айғурнинг иродаси-из, Ҳуқур етар турпта ҳаводис: Ёмғир, қорлар ёдидар Ҳам дўл билан савалар, сувлар сочар, Ардвисура зиммасига тушиб тўққиз юз. Минг тоғчи сув.

Ҳа, «шамол», «ёмғир», «булут», «дўл» (қор)лар «олтин чўққилар»нинг беэзаги, уларни «нам» ила таъминловчилардир. Биз бефарқлар «нам» нима? «буғ» нима? фарқи бормай, эътиборсизлик қиламиз. Аммо аждодларимиз ўта нозик таъб, ниҳоятда зўр истеъдод соҳиблари бўлган экан. Улар ана шу азим дарёнинг манбаларидан тортиб, қаердан пайдо бўлишгача бўлган ҳамма жараёнлар назаридан қочиб қутулмаган. Бунинг учун бетақдор талант, ўта ақллилик, ниҳоятда зўр билим керак бўлади. Ана шуларнинг ҳаммаси «Авесто»нинг муаллифларида бўлган. Уларнинг фикрлаш қобилияти кенг, ақл-заковати чўнғ, билим доираси серкитра бўлган. Умуман, «Авесто» инсониятга берилган ноёб маънавий хазинадир.

«Авесто»нинг мазмундорлиги ақлингизни пешлайди, тафаккурингизни қайраб, Сизни ўйга толдиради. Аждодларимизнинг юксак камолоти, беназир, қимматли ўғитлари авлодлари учун йўлчи юлдуз бўлиб қолавереди.

Мусокул УСМОНОВ, Тошкент Молия институти профессори.



Собир Раҳимов тумандаги 165-мактабда 8-синф ўқувчилари ўртасида болажонларимизнинг йўл ҳаракати қондалари босидаги билимларни баҳолаш юзасидан «Яшил чироклар — 99» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда тумандаги 33 та мактабда ёш йул ҳаракати билимдонлари иштирок этиб, 7 та босқич шартлари бўйича ўз маҳоратларини кўрсатишди. Шаҳар «Яшил чирок» танловида қатнашиш ҳуқуқини эса голиб жамоа — 249-мактаб ўқувчилари қўлга киритишди. СУРАТЛАРДА: танлов иштирокчилари томонидан тайёрланган макет. Холмат Мирзакаримов олган сурат.

Шифокор маслаҳати

САВАТДАГИ ИЛОНГА ҲУШШАЙДИ

Кейинги вақтда аҳоли ўртасида сил хасталигига чалиниш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Хаттоки, оилавий касаллигини ҳоллари учраб турибди. Дунё бўйича ҳар йили 8 миллионга яқин сил касаллиги қайд қилинади, улардан 3 миллионга яқини ўлим ҳолати билан тугайди. Уларнинг ичиде ёш болалар ва ўсмирлар ҳам бор.

Сил хасталиги 95 фоиз ҳолларда ҳаво орқали юқади. Бемор йўталганда ёки ака су урганда ҳавога кўплаб бактериялар ажралаб чиқади. Бемор балғамининг 1 миллилитрида 100000 та КМБ (Кох микробактериялари) бўлади. 8-10 марта туфлашини ўзидеақ ҳавога 1000000 КМБ тарқалади. Бир кеча-кундузда силнинг очик формаси билан касалланган одам 7 миллиард КМБ ажратади. Шу ҳаводан бир марта нафас олиш билан касалланишга олиб келади.

Бу бактериялар ҳавода соатлаб, баъзида йиллаб сакланиши мумкин. Шунинг учун ҳеч ким сил билан касалланишдан ўзини ҳимоялай олмайди. Кох қаламчалари ҳар ерда учрайди. Бу маълум бир одамнинг касаллиги бўлмай, балки бутун мамлакатга ёйилиши мумкин бўлган касалликдир. Асосан, сил аҳолининг ижтимоий муҳофазаланмаган қатламларига таъсир қилади.

учин барча мутахассисларнинг ва аҳолининг ҳушёрлиги бўлиши керак. Сил, асосан, флюорографик текшириш натижасида аниқланади. Кўп ҳолларда сил билан оғирган кишилар касалликни юктириш даври ўтиб кетиб, қон йўталаниш ва тана заифлашгандан кейин врачга мурожаат қилишади. Кеч муҳожаат қилишнинг сабаблари — бошланғич босқичда силнинг ўзига хос клиник белгилари бўлмайдими. Касаллиқнинг оддий инфекция шомоллашдек туюлади. Шунингдек, бу хасталикка чалинганликни пилондан тўтиб, уни ўзича даволамоқчи бўлган беморларда дард кучайиб боради.

Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш анча осонроқдир. Жамоатчиликнинг оғли ҳаракати бу касалликни юктиришнинг олдини олишга имкон беради. Ўз навбатида шифокорлар томонидан бу хасталикка чалинган беморларни меҳнатга қайтариш жараёни тезлашди ва бу моддий жиҳатдан арзонга таъдил.

Сил қаламчаларини — қоғоқи қаттиқ ёпилган сават ичидеги илонга ҲУШШАЙДИ мумкин. Шамоллаш ёки имун-биологик хусусиятларнинг пасайиши натижасида, тана кучсизланган вақтда сил қаламчаларидан бациллаларнинг ажралаши тезлашади. Бу бациллалар эса ўз навбатида инсон танасининг хоҳлаган ўзгасига таъсир қилиши мумкин. Касалликнинг дастлабки даврида кўп ҳолларда тапшиқ қўйиб бўлмайди. Ўпка силнинг дастлабки ташхиси

Тошўлат МАТИБОЕВ, «Ўзбекистон тёмир йўллари» давлат акционерлик компаниясига қарашли сил касалликлари диспансерининг бош шифокори. Тўйчи ТОЛПОВ.

Маиший хизмат

ГўЗАЛЛИК ЯРАТУВЧИЛАР

Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани Муқимий кўчасида жойлашган «Олтин мерос соҳиб» хусусий фирмаси ўтган йилнинг август ойидан аҳолига маиший хизмат кўрсатишни бошлаган. Шу қисқа давр ичиде хусусий фирма кўлаб ўз миқдорларига эга бўлди. Маиший хизмат ўйиде сартарошхона, компьютер ўйинлари, озиқ-овқат дўқони, курчли моллари дўқони, ошхона, биллард клуби мавжуд бўлиб, аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.



бўл — деб роса тайинладилар. Онанинг гаплари бир қулогимга кириб, иккинчисидан чиқиб кетди. Ҳадлардаги фавора ёнида келдим. Жуда гўзал бўларди у ер, нўҳотўрақлар лотиларди. Хуллас, у ёқ-бўёқдан гапларди. Юринг кузатиб қўяман деб, мени трамвай бекати ёнига кўзатиб келаятганлариде, қарасам 16-трамвай кетиб қолаяпти, поччанг ҳам, хайр-хўш ҳам эсдан қочиқ, югуриб борганимча трамвайга осилиб чиқиб олибман. Хали-хали эслаб қулиб юрамиз. Ойимлар «Ҳа, ёқдим десаилар, сал башараси қийиқ экан» — дедим. Ойим «сенг биламан, бинойидек йигитни ҳам қийиқ дебман, ўзинг қийиқсан, шу қийиқка бераман», — деб узатиб юбордилар. Хайрият, яхшиямки поччанг «спортсмен» экан мандан зўрроқ чиқди. Аммо тўғриси айтсам мана шу феъллим туфайли анча қийиқлик, турмушим-қу ажраб кетишига сал қолди. Шунинг учун қизим, қизлик ибоси, жозибаси, тортинчелиги ҳар бир қизнинг сени, зинайти ҳисоблар экан. Мен эса ўйинқароқлик қилиб, бунга кеч тушибман. Ҳаёт йўлини ўзимга-ўзим қийиқлаштирибман. Оллоҳга шўкр, хатойимни тушунганим учун, ҳаётим йўлга тушиб кетди. Аёл — авлигини унутмаслиги, эркакларга тақлид қилмаслиги керак экан. Аёл ана шундай оқиллиги билан гўзал экан. Бир сўз билан айтганда «менинг шўхлигимни чимилдиқ тўғрилади».

Гўзаллик салони эркаклар ва аёллар бўлими билан иборат. 10 нафар 1-тоифадаги қўли гул сартарош усталар хизмат кўрсатади. Бўлимлар замонавий асбоб-ускуналар, кўркем мебель билан жиҳозланган. Сартарошхонага аёллар соч турмаклаш моделлари бўйича халқаро тоифадаги уста, 1980 йилда Польша ва Германияда бўлиб ўтган халқаро сартарошлар кўрик-танловининг мутлақ голиби Рихсвиё ўтбосаров бошчилик қилади.

Ҳозирги кунда бу ерда аҳолига сочин турли шаклларда турмаклаш, пардозлаш, маникюр-педикюр, юз-ни пардозлаш ишлари бажариламоқда. Бундан ташқари кичкинтой миқозлар учун болалар бўлими мавжуд. Шунингдек, келин-куёвларнинг буюртмасига биноан хонадонларга борилиб, махсус хизмат кўрсатилади.

Бўлимдаги усталар миқозларнинг юз тузилишига қараб, уларнинг кўнглига, дидага мос замонавий соч шакллари ярата оладилар. Сиз ўзингизга қандай шаклда соч турмаги ёқиниши, ярашишни билмасангиз, ҳеч иккиланмай «Олтин мерос соҳиб» хусусий фирмасининг гўзаллик салонига ташриф буюринг. Ўйлашмики, «Олтин мерос соҳиб» — Сиз соҳиб-жамоллар учундир!

Солижон ЗОИРОВ. СУРАТДА: аёллар бўлими сартароши Татьяна Гайнулина моҳирлиги билан миқозлар хурматини қозонмоқда. Муаллиф олган сурат.

Шарқ гургоналари

Оз-Оз ўрганиб

Домо бўлар...

◆ Мугйира ибн Абдуллоҳ ас-Сақафийнинг дастурхонига эчки боласининг пиширилган гўшти қўйилган эди. Унинг ёнида бир араб меҳмон бўлиб, у эчки гўштини шиддат билан ейишга киришиб кетди. Бунга қўнган Мугйира:

— Уни газаб билан ейишига қараганда онаси сени бирор марта сузганга ҲУШШАЙДИ! — деди. Араб ҳам унга:

— Сен меҳрибонлик қилиб, ёмай ўтиришига қараганда унинг онаси сени эмизганга ҲУШШАЙДИ! — деб жавоб берди. ◆ Сабрнинг аввали аччиқ, охири эса ширин! ◆ Оғирчиликда сабр қилиш энг улуг неъмат! **Муҳаммад ЗЕХНИЙ.**

◆ ХИҚМАТ. Дил бойлиги ва руҳ озиги уч нарсадир: биринчи — илмда, иккинчи — ризода, учинчи — қаноатда! ◆ ХИҚОЯТ. Бир кун Искандар Бужонис ҳақимни мажлисига чақиртирди. Бужонис унинг элчисига: «Искандарга айт, уни биздан узоқлаштирайтган нараса ва бизни эса унинг олдига боришга тўқсинлик қилаётган нараса бор. У эса салтанатдир. У ҳаммиша салтанат иштиёқиде, биз эса қаноат орзусида!» Байт:

Ҳар кимса бориға қаноат қилса, Ажабланма, тушмас бирова иши. Юрағиде кимни тама бўлмаса, Ҳеч кимсадан бўлмас қўрқув, ташвиши! ◆ Доимо парҳезгар ва доно кишилар билан маслаҳатлашмоқ керак. **Муниддин ЖУВАЙНИЙ.**

◆ Ҳар кимнинг нафси уни чегарадан чиқариб юборса, бу унинг ўлимидир.

◆ Тамағир бўлмаслик керак. Кишининг бошига тамадан турли балолар келади. Сал нараса учун киши газабланмаслиги керак, чунки киши учун дунёда газабдан кучлироқ нараса йўқ. Газаб келган пайтда киши ўзининг нима қилаётганини ўзи билмайди. Одам кишиларни ўз феъллига мослаштиришга уринмаслиги керак. Балки одамлар қандай феълда бўлса ўша феълга мослашмоқ керак.

◆ Қаноатнинг бир қўриниши ейиш ва ичишда билинади. Озгина овқат ейишга қаноат қилган киши кам қасал бўлади. Байт:

Кўп ема гўрдаги қуртлар мисоли, Оз ера бе болға гўё чумоли. Бир табиб бир кунни бир ажиб ҳикмат, Эл учун айтанмиш қилиб марҳамат: «Еши, ичсин доим қўнғил тортуғича, На фақат бўзгиндан тошиб ортуғича!» **«Маҳзан ал-улум»дан.**

◆ ХИҚОЯТ. Бир кун камон билан ўқ бир бўлиб қолишганда ўқ камонга қараб деди: — Эй камон, мен тўғрилигим туфайли тўғри йўлга юриб эъзоз топганман, ҳатто осмонда учиб юрган қушларни ҳам ерга туширишга қувватим етади. Сен эса эгрисан, мен билан тенглашишга уринма, қаршимда улуглик лофини урма! Шунинг учун ҳам менинг ҳақимда бир шўр ажиб миёра айтган:

Эри бўлма камон мисоли, Тўғриликни ўргангин ўқдан! Камон деди:

— Эй ўқ, қош каби эгримиз бўлмаганда сенинг қадринг бир пул эди! Сен менинг эгримиз туфайли эъзоз топгансан. Бўлмаса бир чўпан ҳолис, мен бўлмасам сени тулпоққа отар эдилар. Тўғрилик қомат туфайли эмас, дилнинг софлиги орқали бўлади. Сен қоматингни тўғрилаш ўрнига дилингни тўғрилади. Ўқ камоннинг сўзларидан қаттиқ ҳижолат тортиди. Шу кундан эътиборан унинг юзи мардлар майдониде димо қизилди. Байт:

Ким камолга иштиласа ўзини паст тутмади, Олтиқ ҳам бора-бора ноилож ерга тушар! **Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР.**

◆ Бир ҳақим зарурат юзасидан бир ҳоқимнинг олдига борган эди. Ҳоқим унга: «Мен учун бир-икки оғиз панду насиҳат сўзларини айтсанг, токи ундан ўзимга хулосалар чиқариб олсам», — деди. Ҳақим унга шундай деб жавоб берди: «Панду хикмати эшитиш жуда осон, аммо уни амалга ошириш қийин. Панду хикмат ҳар ким учун ҳар хил таъсирга эга. Панду хикмат нодон учун шўр ерга ёққан ёмғир, ичиде ақли йўқ бош учун суви йўқ қудук, муруввати йўқ тан учун гули йўқ боғ, парҳезгарлиги йўқ олим учун жилови йўқ от, адолати йўқ подшо учун ёмғирни йўқ булут, инсофли ҳоқим учун сурур ва бахт тулпоридир!»

Ҳоқим бу сўзларни зарҳал билан ёздириб қўйди ва доимо уни ўқиб турадиган бўлди. **Абулбаракот ҚОДИРИЙ.**

◆ Бир ҳақим шундай дейди: — Дўстинг берган маслаҳат туфайли иш тутсангу бироқ натижа ёмон бўлиб чиқса, сен дўстингни маломат қилма, унга: «Сен айтгандек қиламан деб, ишим чаппасидан кетди, нега ҳам сенга маслаҳат солдим-а!» — демагин. Чунки яна иш юзасидан но-чор унга маслаҳат солсанг, маслаҳати тўғри бўлса оқибати ёмон бўлишидан қўрқиб сенга айтмайди. ◆ Ҳақимлар айтди: — Ақлли киши билан маслаҳатлашсанг, унинг ақли сенга ҳам жоқиди, ундан кўп нарсани ўрганасан. Киши ўз ақлига суяниб иш қилганда кўп хатоларга йўл қўйиши мумкин.

◆ Урганганини истамган кишига насиҳат қилма! **Аҳмоқча насиҳат айлаган инсон, Шўр ерга уруғни ташлагансимон!** **«Аталар сўзлари»дан.** Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржималари.

Турмуш чорраҳаларида

ШҲҲЛИГИМИНИ ЧИМИЛДИҚ ТЎҒРИЛАДИ

Маҳмудда она бизга тутишган хола бўлади. Онанинг энг яқин дўгоналари, ҳам онадари. Эсимизни таърифлаш, уларни ажабтовур ҳикояларига қула-қула қулоқ солардик. Бу содда, ҳазилчан, эркакшода аёғнинг бошидан ўтган воқеалари мени бефарқ қолдирмади. Ҳаётнинг жуда кўп жабр-жафосини торганлар, шундай бўлса ҳам унда доимийлар, ақинча энг бахтли ҳаётлардек эса оладилар. Келинг, уларнинг пок-боқира ўтмишларига назар солайлик.

— Қизим, сени кўриб худди ёшлигим эсга тушиб кетаяди... — Эҳ бизнинг давримиз олов эди-я-олов... Сенлар фақат телевизор, магнитофони билансанлар. Эски шаҳарнинг тор кўчаларида гувиллаб уйнаб юришларимиз-

га нима етсин! Уғил-у қиз бир бўлиб уйнардик. Агарда ким ёрроқлик қилса, бошлаб адабини берардим. «Қозилқ» қилиш менга ёқарди. Қани менга бирорта-си бир нима деб кўрсини, тома-том қувиб, охири тутиб олиб, шундай савалардимки, 2 кун кўчага чиқолмасди. — Э, қўйсангизчи холажон, ҳа ошириб юбордингиз, унчалик бўлмагандир, ахир қиз боласиз-ку, — ўғил болага қандай кучингиз етади? — Мени ўздан қўшапти деясанми? Ана бор ҳали ҳам

урутқоларим тирик, сўра ўшалардан. Биз уйда 11 фарзанд эдик. Она-ака, сингил баравар катта бўлганми. Мени кўчада «Маҳму пахан» дейишарди. Бўйим чўзилиб совчи кела бошлаганда, кўчамиздаги болалар роса хурсанд бўлишган экан, Маҳму кетса — паҳандан қутулган деб. Поччанг билан учрашувга чиқганимни айтиб берарми. — Шу десаг «Ҳадра»да учрашиб қилишган экан. Ойим уйда тўғри бориб-тўғри кел, тағин кўчада бирортаси билан уришиб кетма, ерга қараб юр, мулоким, сипо

шиямки поччанг «спортсмен» экан мандан зўрроқ чиқди. Аммо тўғриси айтсам мана шу феъллим туфайли анча қийиқлик, турмушим-қу ажраб кетишига сал қолди. Шунинг учун қизим, қизлик ибоси, жозибаси, тортинчелиги ҳар бир қизнинг сени, зинайти ҳисоблар экан. Мен эса ўйинқароқлик қилиб, бунга кеч тушибман. Ҳаёт йўлини ўзимга-ўзим қийиқлаштирибман. Оллоҳга шўкр, хатойимни тушунганим учун, ҳаётим йўлга тушиб кетди. Аёл — авлигини унутмаслиги, эркакларга тақлид қилмаслиги керак экан. Аёл ана шундай оқиллиги билан гўзал экан. Бир сўз билан айтганда «менинг шўхлигимни чимилдиқ тўғрилади».

Ёднома

Иброхим РАХИМ
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

УНИНГ СИЙМОСИ КЎЗИМ ОЛДИДА

(Шухратни эслаб)

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳеч қим талабага ҳисса қўймай четда тургани йўқ. Кўпчилик қатори ёзувчилар ҳам бир қўлда қурол, бир қўлда қалам билан жанг қилган эдилар. Уларнинг кўплари — Султон Жўра, Оқилхон Шарофиддинов кабилар жанг майдонларида қурбон бўдилар, кўллари ярадор бўлиб қайтдилар. Уларнинг кўксини арден ва медаллардан ёниб турибди.

Анагина ёзувчиларнинг фронтларда қўрган кечирганлари, сарфдош қарамонлари ҳақида китоблар ёзиб келдилар ва ҳозир ҳам барқалиб ижод қилмоқдалар. Ана шундай фронтчи ёзувчилардан бири Шухратдир. Таниқли шоир, кўза қўриган романич, драматург Шухрат (Фулмон Аминхон ўғли Олимов) Армиямиз сафида садақат ила хизмат қилиб, Ватан Ҳимояси сафларига ном чиқарди.

Эндигина шеър наш қилаётган Шухрат 1940 йилда Қизил Армия сафига қабул бўлиб ва кўшмада аскарнинг хизмат қилиб турган пайтда фашизмга қарши урушда иштирок этди. Гитлерчи босқинчиларга қарши курашда чиниққан Шухрат солдатликдан капитан унвонига эришди, жангчилардан ўқчи батальон командири даржасига эришди. Жангаларда уч марта яраланди, яраси битта, яна фронтларга, жангаларга кирди.

Мен бу оташин қалб эгаси жангчи шоир билан урушдан кейин ёзувчиларнинг Тошкент шаҳар Биринчи май кўчасидаги маҳкамасида уршаганим. Мен урушдан кейин Германиядан эндігина қайтиб келганим, Шухрат эса, мандан аввалроқ қайтиб келиб, Ўзбекистон ёзувчилар уюмисининг «Шарқ юлдузи» журналида ишлаётган экан. Иккалаимиз ҳам бир-биримизни аввалдан китоблар орқали билардик, асарларимизни ўқиб қўйибдан таниш эдик. Мен асарликда юрган чоғларимда унинг оҳанглар, дилрабо шеърларини кўпчилик «Шарқнинг» газетаси саҳифаларида ўқиб турардим.

Биринчи уршаганимиз икки қуролдош кадрдон қаламшарҳнинг уршаганидай илқ бўлди. Нимагадир гапимиз фронт ҳаёти ҳақида бошланиб кетди. Фронт ҳаёти тўғрисидаги гапимиз уруш қаҳрамонлари тўғрисида ёзилган ва ёзилмак асарлар мавзусига уланиб кетди. Шухрат ҳам мен ҳам жабҳада — уруш ва тинчлик мавзусида ижод қилаётган эканмиз. Дўстлигимиз ана шу онлардан бошланиб кадрдон бўлиб кетди.

Шухратнинг ёшлиги қатогонлик йилларида нотинч ўтганини билардим. Мен ҳарбий хизматда юрган вақтларда бир неча илгор фикрли зийлиларимизни туркук шоиримиз Шухрат ҳам турган бўлган. Унинг ҳақида газеталарда тухматлар ёзилиб турди, ёзувчилар қаторидан ўчиришди, ҳатто «Сибир қилиб юборилди» деган гапларни эшитиб ачдиндим. Чунки унинг айби йўқ экан, келиб чиққан савдогар, уйдаги турмуш ўзбекча, ёган шеърлари миллий руҳда, ўқийдиган китоблари орасида Қодирий, Чўлпон асарлари бор эмиш. Ана шулар уни айбосиз айбдор қилган эди.

Иродили Шухрат бўҳтонларга ҳам, беш йиллик қамоқ азобиға ҳам мардона чидаб, қаддини бўкмай, ижодини тўхтатиш ҳаёт билан ҳамнафас эканини кўриб, ушанда унга бўлган муҳаббатим ошганди. Ушандан кейин Шухрат билан ҳамкорлик қила бошладим.

«Замонавий заъим билан «Гулистон» журналининг қайтадан тикланишида мен муҳаррир бўлиб қолдим-да унда иштирок этишга Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, ҳамда Шухратни таклиф қилдим. Улар жон деб ижодий ҳамкорлик

қилдилар. Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» шеъри қанчалик машҳур бўлиб, журналхон эътиборини қозongan бўлса, Шухратнинг Абдулла Қаҳҳор ўлими тўғрисида ёзган одаси шунча шов-шувга сазовор бўлди. Аммо бу шов-шув шоир Шухратни оқибатда хаста қилиб қўйди. Шухрат тенгдошларига нисбатан ноҳақ камситилди.

Шоирнинг 50 йиллик юбилейи ана шундай шароитда тўғрив тўғрив «Юбилей» комиссиясини мана мен бошқараман» дедим-да, шоирни водий шаҳар, кишлоқларига бошлаб бордим. Учрашувлар юқори савияда ўтди. Тошкент матбуоти орқа-олдиға қараб бўлса-да, шоир ҳақида мақолалар чиқарди, аммо водий газеталари зукко шоирни буй-баста билан кўрсатиб мақолалар босди.

Комиссия номидан жангчи шоир, носир, драматург Шухратга халқ шоирни фахрий унвони берилишини сўраб тавсияномалар бердик. Буни К. Яшин бошлик уюшмамиз қўллаб-қувватлади, аммо материал қаерлардандир йўқ бўлиб кетди.

Кейин галаба кўнрагини бирда уюшма раиси марҳум Сарвар Азимов расилгида ўтган мажлисда бу масалани яна кўтардим. «Шинелли йиллар», «Олтин зангалмас», «Жаннат қидирганлар» каби машҳур романлар муаллифи, қатор шеърли китоблар, «Беш қулик қув», «Кўша қаринлар» каби комедияларни яратган, бетононоғрон ҳолида ҳам тинмай Ватан ишқиди ёниб ижод қилаётган инсонни муносиб тақдирлашни қаттиқ талаб этдим, ҳатто эътиборсизлик учун уларни танқид қилдим.

Камсўхан, қамтарин шоир Шухрат Луначарскдаги шифохонада даволаниб ётган жойида менинг ачиниб, қуйинганим учун раҳмат айтдида, «Иброҳим ака қўйинг, қуйнаверманг, халқ билди, худо билса бас...» деди.

Шоирнинг олтимш йиллигида ҳам мен яхши кайфиятда ўтди. Шоирга республика халқ ёзувчиси деган унвон берилди. Шаҳардаги тантаналардан ташқари Шухратнинг ўз ҳолисида ҳам қатта тантанали эътифод берилди. Ҳамма шоирнинг вафодори Турсунройга, фарзандларига бениҳса миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Бутун умрини заҳматда, ижодий меҳнатда ўтказган ва меҳнатсиз туролмайдиган ижодкор Шухрат касалхоналарда ботиб ётган пайтларида ҳам қўлидан қаламини тўштиради. Хасталик туфайли тили зўрга айланаётган пайтларда ҳам лирик шеърларни қуйлаб, янги-янги асарлар ёзди. Шоирнинг бевақт ўлимидан сал аввал Ҳамид Фулом билан уни қўриган борганимизда беҳор адиб кўрпада ҳам ёзиб ётганини кўрдик. Шухрат умрининг охирида янги романи заъватганини билдириди. Унинг кўзлари нурсизланган қолган бўлса ҳам узок-узокларга боқиб тургандай эди. Унинг гўзал сиймоси ҳамон кўз олдимда.

Зукко шоир Шухрат дўстларига садақатли, оиласига содиқ, фарзандларига ниҳоятда меҳрибонлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Ҳатто сочининг «оқини ўзига олиб қилиб, қорасини фарзандларига беравер»ди. Биз буни ҳар ишда, ҳар қадамда сезиб турардик. Оиласи ҳам уни ўн ҳисса меҳр-муҳаббат билан эъзозлаганининг гувоҳиман. Узок йиллар ботиб бўлиб ётган Шухратни ҳалоласи Турсунройга қўйилардай оппоқ қилиб эъзозлаганидан ҳамма мамнун. Фарзандлари эса падаари бузуқворини ҳеч нарсадан қамситмай бошлариди кўтариб ардоқланганларидан ота рози кетганининг ҳам гувоҳимиз. Барака топишсин!

Шухрат орамиздан бевақт кетди. Еши — авжи ижодий қўчға тўлган чоғида кетди. Унинг қўчғида ижодий режалари, умид-армонлари рўйбга чиқмай ячиди кетди. Афсус. Аммо ўздан ҳаши ном қолдири. Унинг номи ўймайди, фарзандлари идроккида, асарлари саҳифаларида, китобчалари дилда ҳамма яшайди. У жўшқин, лирик ижоди билан орамизда юрибди!

Қадр

ҚАДР МУБОРАК

Умр мисоли чархпалак. Гардун узра айланаваради. Фаслар ўз урини бошқасига бўшати берар экан, ўздан инсонларга яхши қунлар, файзиб лаҳзалар, хуллас хотира заҳинасини қолдириб кетади. ОНА Табиати миз мукамаллигиндан, нечоғли гўзаллигидан, ҳар гиёҳ ўз ифориға эга эканлигидан ҳайратга тушади киши.

Ҳаёт аталган ажиб бир неъмат инсонга жон қадар яқин. Ватан сарҳадларида умр бекатларидан бирма-бир қадам ташлаб, инсон моҳиятини, қўнғил сирларини библишга ички бир интилиш туймиш ботинимизда. ИНСОН. Ана шу олий зот ҳақидаги ўйлар узок-узокларга олиб кетади ҳаёллару туйғуларимизни.

Афсуски, қўлда билавермаймиз, тушунавермаймиз ушбу Қалб соҳибининг хоҳиш ва истакларини. Вақт, турмуш ташвишлари туманида асл маслак ва мақсад гирдобий қо-

ҳамқи оламда дўст бор, дийдор отлик саодат борлигидан қувонамиз.

Шоир айтганидек:
Ҳақонинг шодлиги
йилгиса бутун,
Дўстлар дийдоридан
кечмасас устун.

Ҳақ гап. Дўстлик муқаддас туйғу. У ҳар қандай мол-дунё, зеб-зийнатлардан юксак. У ҳар қандай мол-дунё, зеб-зийнатлардан улғу.

Юқоридаги фикрларни ҳаёлимдан ўтказар эканман, беихтиёр Болалигимни қўсайман. Уша қадрдон мактабнинг парталарига муҳрланган БОЛАЛИКНИ соғинаман.

Янги йил Аёллар йили деб эълон қилинган шод қўнғилларни янада шод, қалбларни сарафроз этди. Эътибор устиға эътибор, аёли қадрдан юрт энг оғил юрт. Узлиқни намоён қилишга айтиш мумкинки, имкон келди. Юрт, оила олдидиға масъулият ҳисси икки қарра ошди.

Поклиги қордай оппоқ азизларим, юраги денгиздек кенглирим, қўнғил тоғдай дўстларим! Барчангизға айём муборак, қадр муборак.

Муқаддас БОНУ.



Дугоналар. Равиль Альбеков олган сурат.



Бектемир туманида Холида Бегматовани ҳамма бирдек ҳурмат қилади. Чунки у ўз ишини пухта эгаллаган, хушмуомала ва оқила аёл ҳамдир.
СУРАТДА: Холида Бегматова иш устида.
Холмат Мирзақаримов олган сурат.

Назм

НИМАЙБУ У?..

Уч яшарлик бол эдим,
Хотирлайким у дамни,
Алам ичра онам кетди,
Қарғаб-қарғаб дадамни.
Қўлда қамчин, бошда сала,
Дадам қолди, сўқиниб.
Сўра деди — баракалло!
Юрма болам, ўқиниб.
Ҳеч қандайин фурсат ўтмай,
Уйимизда бўлди тўй.
Амақлар ичиди чой,
Безакларга тўлди уй.
Сенга ойи олиб келдим,
Она деди, дедилар.
Янги онам оҳ, жуда ҳам,
Хушрўйинга эдилар.
Дадам ишдан кеч қайтарди,
Қўлда кетди азонда.
Хушрўй онам қутар эди,
Гўшт қайнатиб қозонда.

Чидаса-чи

Ҳазал
Ўзим тўқман, қўзим тўқмас, қашшоқ қўзим чидаса-чи,
Мустақиллик қимға тўқмас, ношон сўзим чидаса-чи.

Етмиш йиллик тушов ичра, мусофирдек яшадик-ку,
Ғужғон иқбол яралғучча, ризку-рўзим чидаса-чи.

Ғаюрларким бошимизда, поз-залак йил чакди ёнғоқ,
Тош бўлиб кетган бу бошлар, топгай тўзим, чидаса-чи.

Кўча-кўйда шишиб ётган, қаҳатларни кўрган дунё,
Жаннатда ҳам ғийбат сочган, қалби музим чидаса-чи.

Озодликдан, сен-эй Турсун, шараф топган фуқаросен,
Мустақиллик эркиликдир, эрк юлдузим, чидаса-чи.
Турсун МУХАММАД

Қўшиқ байрами

БАХТЛИ БОЛАЛИК МАДҲИ

Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида шаҳар Халқ таълими бошқармаси томонидан уюштирилган шаҳар болалар қўшиқ байрамининг якуновчи гала концерти бўлиб ўтди.

— Ҳар йили ўтказилиши аънағана айланаётган болалар қўшиқ байрами янгидан янги истеъдодларни кашф этиб бормоқда, — деди концерт бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ёрматов. — Жўшиб қуйлаётган, ўз юртини мадҳ этаётган мурғаб қалбини қўриб ҳеч биримиз ҳаяжонимизни ичимизга яшира олмасак керак. Уларнинг мана шундай юракдан қуйлаш, бахтли болалиқни тараннум этишларининг ўзи бахт эмасми? Юртимиз болаларини шундай бахтдан масрур бўлиш дамларига ҳеч қачон тарқ эмасин.

Мирзо Улугбек туманидаги Шукур Бурхонов номи 222-мактаб болалар хори ижросидаги «Доворақлар» қўшиғида юртимиз пахлавонлари, забардаст ўғлонлари мадҳ этилган бўлса, шу мактаб ўқувчиси Ю. Қороева қуйлаган «Қизалок» қўшиғи халқимизнинг сукули санъаткори Тамарахонимнинг лапар услубида ўзига хос этиб ижро қилинди. 305-мактабнинг 1-синф ўқувчиси Бехзод Машрапов «Она дийёр» қўшиғини қуйлаганда бутун зал унга

Хорижда

ЭНДИ ЖАРОҲАТ БИНИ ЭСДАН ЧИҚМАЙДИ

Янги кашфиёт: махсус мослама ёрдамида хирург-шифокорлар беморларнинг жароҳатларида боғлаш материалларини эсларидан чиқариб қолдирмайдилар.

Унинг муаллифи — Ҳайрадаги «Бней Цион» тиббий марказидан доктор Кальдерон. Ушбу патентнинг моҳияти шундаки, ҳар бир марляга кичик магнит маҳкамланади, операция сўнггида эса махсус датчик ёрдамида операция жойида ушбу боғлаш материали қилиб кетмаганлиги текширилади. Бу услуб беморнинг операция ўтказилган ери жароҳатда қилиб кетган битт хаккида хабар беришни датчик ишлагандан турирда ёниб қўйишга имкон берайди. Янги иxtи-рога жароҳатлар томонидан жароҳатларда, операция қилинган беморларда қўчи ялғиланиш ва оргиларга олиб келувчи, боғлаш матери-алларини қолдириш ҳолларининг кўпайиши сабаб бўлди.

ОКСИЛНИ ТОПИШ УСУЛИ

Исроиллик олимлар ген инженерияси ёрдамида жаҳонда биринчи бўлиб уй ҳайвонлари оғирлигини бошқарувчи оқсилни олишга муваффақ бўдилар.

Бунинг натижасида уларнинг боқув ва кейинги овқатланиш жараёнини, шунингдек, ҳайвонларнинг жинсий этилшини бошқариш им-кони туғилди.

Ушбу оқсил тўрт йил аввал аниқланган эди. Уша вақтнинг ўзида у одамлардан ҳам, сиқон-ларда ҳам иштаниши йўқотиши мумкинлиги, унинг фаолияти бузилиши семиршига олиб кели-ши аниқланди.

Вейцман номидаги институтнинг профессо-ри Ария Гертлер бошчилигида агрономия фа-культетида ўтказилган тадқиқотлар уй ҳайво-ларининг тўйиш даражасини, шунингдек улар-нинг жинсий этилшини бошқариш имконият-ларини қолдиришга қаратилган эди. Бунинг на-тижасида шу жараёнларга Лептин оқсилли та-бир кўрсатиши аниқланди. Ҳозирги пайтда олим-лар диққатларини Лептин оқсилли топишни самарали усулини ва унинг сон жиҳатдан ўлчо-вини аниқлашга қаратдилар. Доктор Олеш Шу-таев ҳам ушбу тажрибаларда қатнашмоқда.

Тадқиқотчилар лептинга ўхшаш, унинг фао-лиятини муҳимлаштирувчи ва шунинг натижа-сида уй ҳайвонларининг тўйиши даражасини кат-таштирувчи моддани яратишларига умид қил-моқдалар.

ЖАҲОН АМАЛИЁТИДА ЯГОНА

Исроил Президентининг йилнинг энг яхши лойиҳаси учун мукофоти Вейцман номидаги институтнинг, Институт бош ил-ми мутахассисининг янги иxtиरोларини қўллаб-қувватлаш Бюроси ёрдамида аме-риколик ҳолийнинг маблагига қилинган технолоик «иссиқхона» ишланмасига бе-рилди.

Гап инъекциялар учун ишлатиладиган игна-нинг тагиға маҳкамланган кичик электрон дат-чик ҳақида бормоқда. Датчик игнанинг ўзидиға ҳаво босими ҳар қиллиги принципага асосла-ниб ишлайди. Игна кон томирини қирғанда ва унда кон оқини бошланганда ҳаво босими кў-тарилади ва датчик ушбу ўзгаришдан таъсир-ланиб, секунднинг ўндан бир қисмида товуш сигнали ишлаб бошлайди ва бу сигнал игна кон томирда бўлган вақт мобайнида ишлаб туради. Айтиб ўтиш жоизки, бу кон ташқарига қичиши керак бўлган аввалги услубдан ун ба-робар қисқа вақт. Игна томирдан қичиши би-лан ҳаво босими тушади ва датчик товуш си-нали беришни тўхтатади. Бу игна қачон кон томирда турганлигини аниқлашга имкон бе-ради. Ушбу услуб жаҳон амалиётида ягонадир.

ЧИН ҚАЛБДАН

Вольфсон номидаги тиббий марказидан қардиқорроҳ доктор Ами Козн ўз олдиға учинчи олам мамлакатларидаги юрак хасталиқлари билан оғриган болаларни қў-қарилани мақсад қилиб қўйган «Болалар-ни кутқаринг» деб номланган бирлашма-ни ташкил этди.

Ушбу бирлашмада фақат ўз хоҳиши билан ишлаётган доктор Козн ва унинг ҳамкасблари — шифокорлар ва ҳамширалар бутун жаҳон бўйича турли қил юрак хасталиқлари билан қалланган ва жарроҳлик аралашуви натижа-сида соғайишга имконияти бўлган болаларни то-падилар ва Исроилга олиб келдилар.

Охириги уч йил мобайнида бирлашманинг ку-чи билан 200 дан ортиқ бола операция қилин-ди. Хайрига маблаг асосан АКШдан келиб ту-шди. «Болаларни кутқаринг» бирлашмасининг фао-лияти 1996 йилда бошланган, ўтган йил мо-байнида эса 90 дан ортиқ бола операция қи-линганди. Бирлашманинг беморлари қаторида опе-рацияларда Холондаги Вольфсон номи тиббиёт марказида ўтказилди. Эфиопиялик, молдова-лик, нигериялик, хитойлик, фаластин мухтория-лик ва бошқа давлатларнинг болалари бор.

«АЛОҚАГА ЧИҚАДИЛАР ВА СОҒАЙИБ КЕТАДИЛАР»

«Кармэль» шифохонасидаги кичик бе-морлар бошқа шифохоналардаги болалар билан Интернет ёрдамида алоқа қилади-лар.

Елен номидаги Қуддус коллежи қошидаги илиий Ассоциация вакиллари «Кармэль» тиб-бий марказининг болалар бўлимида ўзига хос қўшмада дастурини ўрнатдилар. Унинг ёрда-мида кичкина беморлар Интернетда бошқа ши-фохоналардаги тенгқурлари билан мулоқот қи-лишлари мумкин. «Масофадан туриб ўқитиш»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаруши департаменти маданий ҳордиқ, хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш борасида турли мавсумий тадбирлар уюштириш ҳамда ўтказиш учун «Сайилгоҳ» истироҳат худудидан ижарага жой олиш учун таллов эълон қилади.

Буюртмалар 1999 йил 15 июнгача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-21-68.

УМУМАН БЕПУЛ!!!

"ЯНГИБОД"

универсал улгуржи савдо мажмуи

БУЙОМ ВОЗОРИДА

Барча тадбиркорларга пул ишлаб олиш имконини яратиб беради

Энг гавжум мавзе, савдо учун барча шароит мўҳайё.

ЖОЙ ҲАҚИ ОЛИНМАЙДИ.

Манзил: Янаубод, Марказ, Строительная кўчаси, 1.

Тел.: 98-39-66, 135-07-64.

6 июнда соат 10.00 дан 18.00 гача Ҳамза подстанциясини қайта таъмирлаш муносаба-ти билан Ғалабанинг 40 йиллиги, Слоним, Лисунов даҳаларида бутунлай, Қадиев кўчаси. Болалар қасалхонаси, «Тошкент авиация ишлаб чиқа-риш бирлашмаси»ға қарашли қасалхона ва туғуруқхонада, шу яқин орада жойлаш-ган маҳаллаларда 94,97,96,98-телефон алоқа станцияларида электр узатиш таъми-ноти вақтинча тўхта-тилди.

Тошкент Давлат универси-тети томонидан Пиримова Молвуда Тошкентнома номи-ға берилган ИВ № 278789 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Баш муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҳатлар — 133-29-70;
Эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтаси»ға — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишигиз
мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
концерни босмахонаси.
Қорхона манзили:
«Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.